

ЎЗИНИ-ЎЗИ АНГЛАШНИНГ ЎСМИРЛИК ДАВРИДА РИВОЖЛАНИШИ.

Усманова Севара Акмаловна
ТДПУ II-боскич магистранти

Ўсмирлик даври 10-11, 14-15 ёшни ташкил этади. Хозирда усмирлик ёшига утиш асосан 5-синфдан бошланади. "Энди у бола эмас-у, хали катта хам эмас" – бу формула усмирлик даврини билдиради. Бу ёшда ўсмир ривожида кескин узгаришлар руй бера бошлайди. Бу узгаришлар физиологик ва психологик ўзгаришлардир. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва бу билан бөглигі равища танадаги барча аязоларнинг мукаммал ривожланиши ва ўсишидир.

Ўсмирлар ўзларини катталардек тутишга харакат киладилар. Улар ўзларининг лаёкат, кобилят ва имкониятларини маълум даражада ўртоклари ва ўқитувчиларга курсатишга интиладилар. Бу холатни оддий кузатиш йўли билан хам осонгина кўриш мумкин. Ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўсмирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб, комолотга эришиш йўлларини ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларнинг бевосита таъсирини тушуниш мумкин. Бу даврда ўсмир баҳтли болалик билан хайрлашган, лекин катталар хаётида хали уз ўрнини топа олмаган холатда бўлади.

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият- бу ўкиш, мулокот ва меҳнат фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулокотнинг асосий вазифаси бу дўстлик, ўртоклиқдаги элементар нормаларини аниклаш ва эгаллашдир.

Ушбу босқичдаги

ривожланишнинг асосий натижалари:

- ўз руҳий ҳолати ҳакида ўйланиш;
- ўзининг МЕН образини шаклланиши;
- ўзининг индивидуаллигини, ўзига хослигини англаш;
- дунёқарашнинг вужудга келиши;
- ҳаётий режаларнинг пайдо бўлиши;

Бу жараён ичкаридан ташқарига боради: ўзининг "МЕН"ини топишдан уни ҳаёт фаолиятининг турли кўринишларида амалга оширишгача. Бу босқичдаги асосий натижа сифатида ўсмирнинг катталарни ички позициясини эгаллашга, ўзини жамият аъзоси сифатида англашга, ўзини дунёда аниклаш, яъни ўзини ва ўзининг имкониятларини ҳаётдаги ўз ўрни ва вазифалари билан биргаликда тушунишга бўлган ишқтиёқини шархлашидир.

Босқичнинг ютуқлардан бири – ўз-ўзини англашнинг янги даражаси. Илк ўсмирликнинг асосий психологик муваффақияти – ўзининг индивидуал бутун ва ноёб ички дунёсини очиши. Ўсмирлар ва қизлар ўзларини шахсий назар ва баҳолари бор, ўз фикрлари, ҳис-туйғу ва кечинмалари дунёсига эга, бошқа шахсларга ўхшамайдиган, бетакрор шахс сифатида англашади. Атрофдаги одамлар орасида мустаҳкам ўрнашиб олиш истаги (ўзини турли шаклларда: ҳаракатланиш, гапириш, кийиниш услубида; ҳаёт воқеаларини, адабиёт ва санъат асарларини ўзига хос баҳолашда; ўзгача ибораларда; хамма томонидан қабул килинган баъзи мазмунларни қабул қилмаслик) шу ердан.

Ўзгариб қолган, ўзига бўлган муомала, ўзининг ўзгачалигини англаш ўзига бўлган қизиқиш ва ўзин ўрганишга бўлган интилиш билан уйғунлашади. Ўзининг руҳий ҳолати ҳакида ҳаёл суриш, характернинг, ироданинг, кечинмаларнинг ўзгачалигининг намоён бўлишини сезиш қобилияти, пайдо бўлаётган хоҳиш ва интилишлар табиатини тушуниш - шу ердан.

Ўзини англашдаги марказий психологик жараён – шахсий бетакрорликни, индивидуал ўзига ўхшашикни, бирликни шакллантириш. Ўзини индивидуал шахс сифатида ўрганиш келгусида умр кечирадиган ижтимоий дунёсини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Ўзини таҳлил қилиш ижтимоий-маънавий ўзини аниклашнинг элементига айланади. Ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўсмирнинг аксарият ҳаётий режалари каби, кўпинча ҳақиқатдан йироқ бўлади.

Ўзига берилган баҳо қўпинча психологик ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қиласи. Ижобий МЕН образига эга бўлиш хоҳиши дамба-дам ўзининг ютуқларини кўпайтириш ва ўзининг камчиликларини

камайтиришга ундаиди. Умуман олганда, ўзига берилган баҳолар адекватлилiği вакт ўтган сари кўтарилади.

Ўсмирлик даври – ўзини-ўзи аниқлаш даври. Ўзини-ўзи аниқлаш – ижтимоий, шахсий, касбий, маънавий – ўсмирлик ёшининг асосий вазифасини ташкил қиласди. Ўзини аниқлаш жараёни тубида келажақдаги фаолият соҳасининг танлови ётади. Аммо касбий аниқланиш ижтимоий ва шахсий аниқланиш вазифалари, ким ва қандай бўлмоқ? саволларига жавоб қидириш, шунингдек ҳаётий ютуқларни аниқлаш, келажакни лойиҳалаштириш билан уланган. Ижтимоий аниқланиш ва ўзини излаш дунёқарашнинг шаклланиши билан узлуксиз боғланган.

Ўсмирлик – дунёқараш шаклланишининг ҳал қилувчи боскичи. Ҳаётнинг бу даврида инсонда дунёга қарашларнинг изчил системасини тузиш, дунёда ўз ўрнин топиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ўсмир ҳам ўзининг борлиги мазмунини, ҳам бутун одамзоднинг истиқболларини ёритиб бера оладиган формула қидиради.

Ўсмирлик танқислиги экзистенсиал танқислик (ҳаёт мазмуни танқислиги) билан биринчи маротаба тўқнаш келадилар. Танқисликни ечими учун ташқи ва ички воситаларнинг йўқлиги наркомания, алкоголизм каби ривожланишнинг негатив вариантларига, танқисликни эплай олмасликнинг сўнгги формаси эса суиқасдга олиб келади.

Жинсий етилиши ўсмирнинг бу ёшидаги хулк-авторига асосий биологик восита сифатида таъсир ўтказади. Социал омиллар эса куйидагилардир. Кичик мактаб ёшидан ўрта мактабга ўтиш якка ўқитувчи раҳбарлигидан кўпчилик ўқитувчилар тасаруфига ўтиш ва мулокотдаги ўзгаришлар ижтимоий фойдали ишларни кенгайтириб бориш мустакил ва амалий ишларни кўпроқ бажариш шу билан бирга болани оиласдаги ўрни ҳам ўзгаради. Ушбу ўзгаришлар таъсирида болалар жисмоний ва аклий имкониятларини ўсиб бориши муносабати билан ўзларига купрок ишона бошлайдилар. Бу фазада инсоннинг ўзига бўлган баҳоси унинг ҳаракати ва фаолиятига бўлган реакциясига боғлиқ. Ўзини ва ўз имкониятларини тушуниш ва ўрганиш; ўз истеъдодини топиш; мустақилликка, мустақил ҳаётга интилиш учун турли хил ҳолатларда ўзини намоён қилишга интилади, ўзини катта ва кенг ҳукуқли деб англайди.

Хуносага килиб, ўсмирлик ўз-ўзини англашида фаол ривожланиш рўй беради дейиш мумкин: ўсмирликда ўзига муносабат, ўзига бўлган қизиқиш, ўзини ўрганиш, МЕН-образи ва бошқалар каби ўз-ўзини англашнинг аспектлари шаклланади.

5-6 синф ўкувчиларига синфдаги ўзи эгаллаган мавкейига катта эътибор бериш хусусияти хос. Айнакса, 6-синфдан бошлаб ўкувчилар ўз ташки куринишларига, шунингдек, карама-карши жинсдаги болалар билан узаро муносабатларига эътибор бера бошлайдилар.

7-синф укувчиларида эса уз лаёкатларини ривожлантиришга хос кизикиш юзага келади. 8-синф укувчилари эса мустақиллик, узига хослик, дустлик ва уртоклик билан boglik буладиган шахсий хислатлар юкори баҳоланади.